

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУФЛИЕВ НОДИРБЕК ХУШВАҚТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ, ЯЙЛОВ ВА ЧЎЛ ХУДУДЛАРИДА
ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МАЖМУИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Туфлиев Нодирбек Хушвактович

Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл худудларида зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш 3

Туфлиев Нодирбек Хушвактович

Создание комплекса борьбы против вредных саранчовых в предгорных, пастбищных и степных зонах Узбекистана..... 29

Tufliev Nodirbek Khushvaktovich

Development of the system for controlling locusts in foothill, pasture and steppe areas of Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ТУФЛИЕВ НОДИРБЕК ХУШВАҚТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ, ЯЙЛОВ ВА ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДА
ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МАЖМУИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

к

ТОШКЕНТ - 2019
Sam Axborot-
resurs markazi
Inv. q. 14243

Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.Z.DSc/Qx58 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Гаппаров Фуркат Ахатович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кимсанбаев Хўжамурат Хамроқулович

биология фанлари доктори, профессор

Аманов Шухрат Бахтиёрович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Шамуратова Нағима Генжмуратовна

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етавчи таъкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Зоология институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2019 йил «5» март соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маммурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (537736 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «19» февралда тарқатилди.
(2019 йил «29» январдаги 1.1 рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

М.М.Абдулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича зарарли чигирткалар соҳа мутахассислари томонидан доимий равишда эътиборни талаб этади. Биргина Кавказ ва Марказий Осиё давлатларида тарқалган тўда ҳосил қилувчи марокаш, италия ва осие чигирткаларига ўз вақтида қарши кураш чора-тадбирлари ўтказилмаганда, 25 млн гектардан ортик майдондаги яйлов ўсимликлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтириши оқибатда эса улардан олинadиган маҳсулотларни йўқотилишига олиб келади. Бунинг натижасида 20 млн. дан ортик инсонни бевосита озиқ-овқат маҳсулотларисиз қолиш хавфи юзага келишига сабаб бўлади¹.

Дунёда тўда ҳосил қилувчи (*phasis gregaria*) ва тўда ҳосил қилмайдиган (*ph. solitaria*) чигирткаларнинг зарарли турларига қарши кураш мажмуини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Жумладан, тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари бўйича янги маълумотлар тўплаш, улардан табиий энтомопатоген микроорганизмларини ажратиб олиш, юқори самарали, экологик хавфсиз микробиологик кураш тизимини ишлаб чиқиш, замонавий усул ва воситаларнинг самарадорликларини аниқлаш, қишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган чигирткаларнинг зарарли турларининг кўпайиш сабабларини аниқлаш ва уларга қарши кураш технологиясини яратиш бўйича тадқиқотларни ўтказиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда чигирткаларнинг айрим зарарли турлари нафақат яйлов ўсимликларига, балки барча қишлоқ хўжалик экинларига хавф туғдиради. Аҳолимизнинг сўт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини доимий равишда қондириш мақсадида чорвачиликнинг табиий озиқаси жойлашган тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларидаги ўсимликларни зарарли чигирткалардан сақлаш олдимиздаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харақатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зарарқундалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шунинг назардан зарарли чигирткаларнинг ёпасига кўпайиб, яйлов ўсимликлари ва қишлоқ хўжалик экинларига жиддий хавф туғдиришини олдини олиш мақсадида тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларга қарши самарали экологик безарар воситалар ва усуллар мажмуини яратишни ва жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” тадбиридаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ <http://www.fao.org/food-chain-crisis>

2017 йил, 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиёти ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Чигирткаларнинг асосий зарарли турлари ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, FAO UN (Италия), University of Wyoming (АҚШ), China Agricultural University (Хитой), Australian Plague Locust Commission (Австралия), Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти (Россия), Қозоғистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон) ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Зарарли чигирткаларга қарши дунёда тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида қарши кураш мажмуини яратишга оид олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: зарарли чигирткаларга қарши ўта кам ҳажм(УМО)да пуркаш мосламасида тўсик (барьер) усулидаги курашнинг биологик ва хўжалик самараси аниқланган (University of Wyoming, Америка Қўшма Штатлари); зарарли чигирткаларга қарши *Metarhizium acridum* замбуруғи асосидаги микробиологик биопрепаратнинг биологик самараси аниқланган (Australian Plague Locust Commission, China Agricultural University); *Beauveria bassiana* замбуруғи асосида яратилган биопрепаратнинг италия чигирткасига қарши қўллаш регламентлари ишлаб чиқилган (Қозоғистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини илмий-тадқиқот институти); зарарли чигирткаларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг самарадорликлари аниқланган (Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда дунёда тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларидаги тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган шаклидаги зарарли чигирткаларга қарши кураш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: зарарли чигирткаларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари, уларнинг кўпайиш сабабларига оид янги маълумотлар тўплаш, экологик хавфсиз микробиологик биопрепаратлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва кенг жорий этиш; турли гуруҳга мансуб замонавий кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fao.org>, <http://www.uwyo.edu>, <http://www.nabi.nlm.gov>, <http://www.vizrsrb.ac>, <http://www.nizkr.kz>.

зарарли чигирткаларга қарши курашда усул ва воситалар мажмуини яратиш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш бўйича жуда кўп маҳаллий (Ф.А.Галпаров, А.А. Нуржанов, Ш.Т.Хўжаев, А.Ф.Хайтмуратов, Ш.К.Худанов) ва хорижий (А.У.Лачининский, Хiangchu Yin, D.Hunter, М.Г.Сергеев, С.Кооупан, Т.Б.Токгаев, В.И.Долженко, Э.Д.Абашидзе, Д.Н.Говоров) тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Аmmo тўда хосил қилмайдиган, аҳолимиз орасида “маҳаллий” чигирткалар деб юритиладиган зарарли чигиртка турларининг ривожланиш хусусиятлари, кўпайиш сабаблари ва уларга қарши кураш мажмуи ўрганилмаган. Зарарли чигирткаларга қарши улардан ажратиб олинган энтомопатоген микроорганизм намуналарининг таъсирчанлиги тўлиқ баҳоланмаган. Тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши микробиологик биопрепаратлардан фойдаланиш, шунингдек, турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг биологик самарасини аниқлаш ҳамда ўта кам ҳажм(УМО)да тўсиқ усулида ишлов олиб боришнинг биологик, хўжалик ва иктисодий афзалликлари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-9-056 «Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши микробиологик кураш тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.); КХИ-5-062-2014 «Зарарли чигирткаларга қарши курашда инсектицидларни тўсиқ (барьер) усулида қўллаш бўйича ресурстежамкор тадбирларни амалиётга жорий қилиш» (2014-2015 йй.); КХА-9-068 «Қишлоқ хўжалик экинлари атрофида кенг тарқалган зарарли маҳаллий чигирткаларнинг турларини ўрганиш ва уларга қарши кураш мажмуини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткалар турларини аниқлаш, уларнинг кўпайиш сабаблари, зарари, ривожланиш хусусиятлари ҳамда уларга қарши микробиологик, кимёвий инсектицидлардан фойдаланиб, самарали кураш усул ва воситалар мажмуини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикамизнинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларда учрайдиган тўда хосил қиладиган ва бошқа асосий зарарли чигиртка турларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган тўда хосил қилмайдиган чигирткалар турлари таркиби, тарқалиш сабаблари, зарари ҳамда уларнинг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

зарарли чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кўзгатувчи энтомопатоген микроорганизмларнинг табиатдаги ўрни ва истиқболли

микроорганизм намуналарининг чигирткаларга қарши таъсирчанлигини баҳолаш;

зарарли чигирткаларга қарши микробиологик инсектицидларнинг имкониятлари ва қўллаш истиқболларини илмий асослаш;

зарарли чигирткаларга қарши давомли ва асоратли таъсир этувчи инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш ҳамда қўллаш регламентини ишлаб чиқиш;

тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши курашда самарали восита ва усуллар мажмуини яратиш;

чигирткаларга қарши тўсик усулида ишловнинг афзалликларини ҳамда ушбу усулни қўллаш мумкинлигини ва шарт-шароитларини аниқлаш;

зарарли чигирткаларга қарши тўсик усулининг оддий (ёппасига) усулдаги ишловга нисбатан биологик, хўжалик ва иқтисодий самаралилигини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турлари ҳамда улардан ажратиб олинган энтомопатоген микроорганизмлар намуналари, 32 та турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидлар, 5 та микробиологик биопрепаратлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Республикамизда тарқалган асосий зарарли чигиртка личинкаларига қарши микробиологик, кимёвий воситаларнинг қўллаш мажмуини ишлаб чиқиш. Тўсик усулида курашнинг оддий (ёппасига) усулга нисбатан биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда кишлоқ хўжалик энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усул ва услублар ёрдамида бажарилди.

Зарарли чигирткаларга қарши қўлланилган кимёвий ва микробиологик воситаларнинг биологик самарадорлиги В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубида аниқланди. Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда Н.Р.Гончаров ва б., усулидан фойдаланилди. Тажрибалардан олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услублари бўйича математик-статистик таҳлил қилинди. Қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услублари асосида ҳисобланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган ҳамда Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди яйловларида 34 та, чўл ҳудудларида 36 та тур чигирткалар орасидан асосий зарарли турлари белгиланиб, уларнинг кўпайиш сабаблари, зарари ва ривожланиш хусусиятлари асосланган;

зарарли чигирткалардан ажратиб олинган касаллик қўзғатувчи энтомопатоген микроорганизмларнинг туркумлари аниқланган ва улардан истиқболли замбуруғ намуналарининг патогенлик даражалари баҳоланган;

зарарли чигирткаларга қарши экологик хавфсиз микробиологик *Metarhizium*, *Beauveria brongniartii* замбуруғлари асосидаги биопрепаратларнинг биологик самарадорликлари аниқланган;

тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб янги замонавий инсектицидларнинг биологик ва ҳўжалик самарадорлиги аниқланган;

кишлоқ ҳўжалик экинлари атрофидаги тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши самарали кураш технологияси ишлаб чиқилган;

зарарли чигирткаларга қарши тўсиқ усулида ишлов ўтказишнинг шарт-шароитлари, афзалликлари ва ушбу усулнинг биологик ҳамда ҳўжалик самарадорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган тўда ҳосил қиладиган ва тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турлари аниқланиб, тарқалиш сабаблари, ривожланиш хусусиятлари очиқ берилган;

зарарли чигирткалардан ажратиб олинган энтомопатоген микроорганизмлар ва улардан юқори истикболли замбуруғ намуна (*Beauveria bassiana* Ф-38, *Metarhizium* sp.- К-19¹)ларининг патогенлик даражалари аниқланган;

зарарли чигирткаларга қарши *Metarhizium* ва *B. brongniartii* замбуруғлари асосида яратилган микробиологик грин гард, килока, фаст килока, новакрид биопрепаратларининг қўллаш регламентлари ишлаб чиқилган;

зарарли чигирткаларга қарши замонавий истикболли инсектицидлардан багира, далаэтэ, атилла супер, суми-5, имитрин, гунсяо супер, караче, химфокс, таргет, имидагольд, неоклоприд, пульсар, карэкто, қиллер экстрэ, қиллер нео, хим-карэтэ, корал, химидор, индиго, ламба, потегон, агроплан супер, гранд-те, герольд, герольд УМО, дифуз, юнирон, далпронил супер, тифуз, трипгуард, анис препаратларини зарарли чигирткаларга қарши қўлланилганда юқори биологик самара қайд этилиши ва гектаридан 650-800 кг ҳосил сақлаб қолиш мумкинлиги исботланган;

зарарли чигирткаларга қарши курашда инсектицидларни ўта кам ҳажм (УМО)да тўсиқ усулида ишлов олиб борилганда гектаридан 28800 сўм маблағ иқтисод қилиниши туфайли юқори ҳўжалик ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотлар ишончилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий, инновация лойиҳаларининг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан этироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар сифатида чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилиб, кенг жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Республикаимизнинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган асосий зарарли чигиртка турлари аниқланиб, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва кўпайиш сабаблари аниқланиши, зарарли чигирткалардан касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар ажратиб олиниши ва уларнинг патогенлик даражалари баҳоланиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти республикада учрайдиган асосий зарарли (тўда ҳосил килувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган) чигирткаларга қарши турли кимёвий инсектицидлар ва биопрепаратларнинг қўллаш мажмуи яратилиши, зарарли чигирткаларга қарши ўта кичик ҳажмда пуркаш мосламасида тўсик усулида кураш олиб боришнинг оддий (ёппасига) ишловга нисбатан гектаридан 28800 сўм маблағ иқтисод қилиниши, иш унумдорлиги ошиши, энг муҳими – табиатда мавжуд бошқа бўғимоёқли жонзотларнинг кирилиб кетишининг олдини олиши амалий жиҳатдан исботланиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши 31 та турли кимёвий гуруҳга мансуб препаратлар ва 4 та микробиологик биопрепарат “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари Рўйхати”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг 2018 йил 29 июндаги 2-5-105-сон маълумотномаси). Натижада ушбу рўйхатга киритилган воситалардан зарарли чигирткаларга қарши курашда кенг фойдаланилган;

зарарли чигирткаларнинг 2-3 ва 4-5 ёш личинкаларига қарши Атилла супер, 10% эм.к.-0,075-0,125 л/га, Багира, 20% эм.к.-0,05-0,1 л/га, Дифуз, 48% сус.к.-0,03 л/га, Караче, 10% эм.к.-0,075-0,125 л/га, Гунсяо супер, 20% эм.к.-0,0375-0,0625 л/га сарф-меъёрларда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 млн 710 минг 909 гектардан ортик майдонда жорий этилган (“Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-12/1497-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткалар хавфининг олди олинишга эришилган;

юкори биологик самарали Багира, Дифуз, Караче, Гунсяо супер препаратлари “Ўзагрокимёхимоя” АЖнинг “Чигирткалар ва туг парвонасига қарши курашиш хизматининг вилоят филиаллари” томонидан тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларда 1710909 гектардан ортик майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/023-246-сон

маълумотномаси). Натижада яйловлардан ўртача 650-800 кг/га қўшимча пичан ҳосили сақлаб қолинган;

зарарли чигирткаларга қарши Дифуз ва Багира препаратлари Навоий вилоятининг тоғолди яйловларида 1000 гектар майдонда тўсиқ усулида кураш жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-12/1497-сон маълумотномаси). Натижада зарарли чигирткаларнинг яйлов ўсимликлари ва бошқа кишлок хўжалик экинларига зарар келтиришининг олди олинишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ҲҲКИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан кўриқдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация натижалари бўйича 8 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та илмий-услубий қўлланма ва 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 197 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, етгита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараккиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тоғолди, яйлов ва чўл худудларида учрайдиган чигирткаларнинг тарқалиши, зарари ва уларга қарши курашнинг аҳволи ва истикболлари» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган илмий тадқиқотлар натижаларининг батафсил таҳлили берилган. Тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турларини ўрганиш, тарқалиши, зарари ва уларга қарши курашнинг бугунги аҳволи бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек чигирткаларнинг табиий кушандалари ва уларнинг аҳамияти, зарарли чигирткаларга қарши агротехник, биологик кураш чоралари ва имкониятлари, зарарли чигирткаларга қарши курашда

қўлланиладиган восита ва усуллари, уларнинг истиқболларининг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жой ва иш услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг иклими ва географик жойлашуви ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Тадқиқотлар Кашкадарё, Сурхондарё, Самарканд, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чигирткалар тарқалган тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида ва ЎХҚИТИнинг «Яйлов зараркунандалари ва энтомопатоген микроорганизмларни ўрганиш» лабораториясида олиб борилди.

Лаборатория ва дала тажрибалари Республикамизда асосий зарар келтирувчи ва умумий чигирткаларнинг 60-70% дан кўпроғини ташкил этадиган марокаш – *D. maroccanus*, воха (италия) – *C. italicus*, осие – *L. migratoria*, кир (Турон) – *C. turanicus* ва бошқа тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турларига қарши янги усул ва воситаларни қўллаш асосида олиб борилди.

Чигирткаларнинг тухум кўзачалари турларини аниқлашда М.Е. Черняховский услубидан, чигирткаларнинг сонини, зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш баҳор ва ёз ойларида чигирткалар кўп тарқалган майдонларда, Е.П.Цыпленков, М.И.Рашидов ва б., Ф.А.Ғоппоров ва б., усулларидан, чигирткалар турларини, ёшини аниқлаш эса Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева, А.В.Лачининский ва бошқаларнинг аниқлагичлари ёрдамида амалга оширилди.

Касалланган ва нобуд бўлган чигирткаларни йиғишда Я.Вейзер услубидан, улардан патоген микроорганизмларни ажратиб олишда А.А.Евлахова, О.И.Швецова ҳамда уларнинг туркумларини идентификация қилишда З.Э.Коваль, А.А.Евлахова услублари ва аниқлагичларидан фойдаланилган.

Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий ва микробиологик инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича дала тажрибаларимиз Микронейр АУ-8115 ўта кам ҳажмда (УМО) пуркаш мосламаси ёрдамида гектарига 2 литр ҳисобида, ОБХ-600 трактор пуркагичида 200 л/га ишчи эритмани сарфлаш орқали, К-45 осма моторли қўл аппаратида эса 120 л/га ишчи аралашмани қўллаш орқали олиб борилди.

Тўсиқ усулида ишлов олиб бориш бўйича тажрибаларда махсус ГАЗ-469 автомашинасига ўрнатилган Микронейр АУ-8115 ўта кам ҳажмда пуркаш мосламаси ёрдамида 50, 100 метрга кимёвий ишлов ўтказилиб, 50, 100, 200 ва 300 метр масофаларда кимёвий ишлов ўтказилмаган (препарат сепилмаган) вариантларда тажрибалар олиб борилди.

Тоғолди, яйлов, чўл ҳудудларида зарарли чигирткалар тарқалган майдонларнинг, тажриба олиб борилган жойнинг ва қузатув майдонларининг координатларини аниқлаш учун GPS “GARMIN” навигацион тизимидан фойдаланилди.

Лаборатория тажрибаларини ўтказишда махсус энтомологик, бўздан тайёрланган, 50x50x70 см майдонга ўрнатилган уяча (садок)ларга ўртача 30-40 тадан чигиртка солиниб, препаратларни сепишда 0,5 ёки 1,0 литрли махсус механик қўл пуркагичларидан фойдаланилди.

Барча тажрибаларда энтомологик ҳисоб-китоблар препаратлар таъсир этиш механизми, хусусиятлари ва қўлланилган усулларга мос равишда олиб борилди.

Лаборатория ва дала тажрибаларида зарарли чигирткаларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда В.В.Курдюков ва б., услубларидан фойдаланилди.

Препаратларнинг ҳўжалик ва иктисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва б., усулидан, тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар, Б.А.Доспехов усулларига асосан дисперсион таҳлил қилиниб, ўртача фарқи ($S \pm m$) ва энг кичик фарқи – ЭКФ (НСР) ЎХҚИТИ «Ўсимликларни ҳимоя қилишда ахборот технологияларини қўллаш ва математик моделлаштириш» лабораторияси томонидан тузилган компьютер дастури орқали аниқланди. Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш бўйича тадқиқот йўналишлари диссертацияда аниқ кўрсатилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда чигирткаларнинг тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган зарарли турларининг мониторинги» деб номланган учинчи бобида тоғ ва тоғолди яйловларида учрайдиган тўда ҳосил қиладиган (*phasis gregaria*) ва бошқа зарарли чигирткалар турларини аниқлашда Республикамизнинг денгиз сатҳидан 200 м юқори бўлган ҳудудларида ўрганилди. Ушбу ҳудудларда 34 тур чигирткалар кам, ўртача, кўп ва ёппасига учраши қайд этилди. Шунингдек, тоғли ва тоғолди адирлик яйловларидаги ўсимликлар ва қишлоқ ҳўжалик экинларига хавф туғдирувчи асосий доминант *Dociostaurus maroccanus* Thunb., *Calliptamus italicus* L., *C. turanicus* Tarb., *C. barbarus* Costa., *D. kraussi* Ingen., *D. kraussi nigrogeniculatus* L., *Ramburiella turcomana* F.-W., *Oedaleus decorus* Germ., *Anacridium aegyptium* L., *Sphingoderus carinatus* Sauss. ва *Pyrgomorpha hispinosa deserti* В.-Віен. Serg. турлари аниқланиб, шундан тўда ҳосил қилувчи мароқаш ва италия чигирткаларининг популяцияси нисбатан қисқа вақт (2-3 йил) ичида сон жиҳатидан ўзларининг миқдорини тиклаб олиш имкониятига эга турлар ҳисобланади. Бу турдаги чигирткаларнинг кам миқдордаги тўдаси ҳам келгусида ёппасига кўпайиб, қишлоқ ҳўжалик экинларига зарар етказиш хавфи сакланиб қолиши аниқланди (1-жадвал).

Чўл ҳудудларида зарарли чигиртка турлари ўрганилганда ушбу майдонларда 36 турдаги чигирткалар учраши ва улар кам, ўртача, кўп ҳамда тўда бўлиб яшовчи чигирткаларнинг ёппасига тарқалганлиги аниқланди. Булардан италия ва осие чигирткалари барча яшил ўсимликлар жумладан қишлоқ ҳўжалик экинлари билан ҳам озикланиб зарар келтирса, *Dericorys albidula* Aud.-Serv., *D. tibialis* (Pall.), катта ва кичик саксовул буқур чигирткалари олигофаг турлар бўлиб, оқ ва қора саксовул бутасимон ўсимликлари билан озикланиб, зарар келтириши аниқланди.

Тоғ ва тоғолди адирлик яйловларда учрайдиган тўда ҳосил қиладиган ва бошқа зарарли чигирткаларнинг тур-таркиби (2009-2017 йй.).

Чигиртка турлари	Тоғолди стаацияларда тарқалган чигирткалар	
	тоғли ҳудудлар	тоғолди адирлик яйлов ҳудудлари
Acrilidae оиласи		
1. <i>Acrida oxycephala</i> Pall.	+++	+++
2. <i>Euprepocnemis unicolor</i> Serg. Tarb.	++	++
3. <i>Doclostaurus maroccanus</i> Thunb.	(т) +++	(т) +++
4. <i>D. kraussi</i> Ingen.	+++	++
5. <i>D. kraussi nigrogeniculatus</i> L.	+++	++
6. <i>D. tartarus</i> Stchek.	+++	+
7. <i>Duroniella kalmyka</i> Ad.	++	++
8. <i>D. gracilis</i> Uv.	++	+++
9. <i>Ramburiella turcomana</i> F.-W.	+++	++
10. <i>Atolopus oxianus</i> Uv.	++	++
11. <i>A. thalassimus</i> F.	+++	+++
12. <i>Oedaleus decorus</i> Germ.	+++	++
13. <i>O. senegalensis</i> Kt.	++	+
14. <i>Sphingonotus maculatus</i> Uv.	++	++
15. <i>S. nebulosus</i> F.d.W.	++	+
16. <i>S. rubescens</i> Walk.	++	++
17. <i>S. satrapes</i> Sauss.	++	+
18. <i>Pyrgodera armata</i> F.d.W.	++	+
19. <i>Sphingoderus carinatus</i> Sauss.	++	+++
Catantopinae кенжа оиласи		
20. <i>Calliptamus italicus</i> L.	(т) +++	(т) +++
21. <i>C. turanicus</i> Tarb.	+++	+++
22. <i>C. barbarus</i> Costa.	+++	+++
23. <i>Anacridium aegipitium</i> L.	+++	++
24. <i>Tropidopola turanica</i> Uv.	++	++
25. <i>Heteracris adspersus</i> Redt.	+++	+++
26. <i>H. littoralis</i> Br.-W.	+++	++
Pyrgomorphidae оиласи		
27. <i>Pyrgomorpha bispinosa deserti</i> B.-Bien. Serg.	+++	+++
Oedipodinae кенжа оиласи		
28. <i>Mioscirtus wagneri</i> Sauss.	++	++
29. <i>Acrotylus insubricus insubricus</i> Walk.	+++	+++
30. <i>Helioscirtus moseri</i> Sauss.	++	
31. <i>Leptopternis gracilis</i> Ev.	+	++
32. <i>L. iliensis</i> Uv.	+	+
Pamphagidae оиласи		
33. <i>Pezotmethis tartarus</i> Sauss.	++	+++
34. <i>Thrinchus desertus</i> B.-Bien.	+++	+

Изоҳ: учраш даражаси: + - кам; ++ - ўртача; +++ - кўп; (т)+++ – ёппасига тарқалган (тўда ҳосил қиладиган) турлар.

Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида кишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган чигиртка турлари (2015-2017 йй.).

Чигиртка турлари	Вилоятлар бўйича тарқалиши	
	Жиззах	Қашқадарё
Catantopinae кенжа оиласи		
1. <i>Calliptamus barbarus</i> F.-W.	+++	+++
2. <i>C. turanicus</i> Tarb.	+++	+++
3. <i>C. italicus</i> L.	(a)+++	(a)+++
4. <i>Conophyma sokolowi</i> Zub.	++	++
5. <i>Anagridium aegyptium</i> (L.)	++	++
Oedipodinae кенжа оиласи		
1. <i>Oeduleus decorus</i> (Germ.)	+++	+++
2. <i>Locusta migratoria</i> L.	(a)+++	(a)+++
3. <i>Oedipoda miniata</i> (Pall.)	+++	+++
4. <i>O. fedtschenkoi</i> Sauss.	++	++
5. <i>Sphingonotus satrapes</i> Sauss.	++	++
6. <i>S. maculatus</i> Uv.	++	++
7. <i>S. halocnemis</i> Uv.	++	+
8. <i>Pergomdera armata</i> F.-W.	++	+
9. <i>Sphingoderus carinatus</i> Sauss.	++	+++
10. <i>Mioscirtus wagneri</i> rogenhof.	++	++
Acridinae кенжа оиласи		
1. <i>Acrida oxycephala</i> Pall.	+++	+++
2. <i>Truxalis eximia</i> Fichw.	++	++
3. <i>Duroniella katmyka</i> (Adell)	+++	++
4. <i>D. gracillis</i> Uv.	+++	+++
5. <i>Docostaurus tartarus</i> Stchek.	+++	+++
6. <i>Notostaurus albicornis</i> (Ev.)	++	++
7. <i>Fremippus persicus</i> Uv.	+	+
8. <i>E. simplex</i> (Ev.)	++	+++
9. <i>Atolopus thalassinus</i> (F.)	+++	+++
10. <i>Hilethera turanica</i> Uv.	++	+
11. <i>Tropidopola turanica</i> Uv.	+	+
Pygomorphinae кенжа оиласи		
1. <i>Pygomorpha conica deserti</i> B. Bien.	+++	+++
2. <i>Chrotogonus turanicus</i> Kuthy.	+	++
Tetrigidae кенжа оиласи		
1. <i>Tetrix subulata</i> (L.)	++	++
2. <i>T. tartara</i> (J. Bol.)	++	++
Pamphagidae кенжа оиласи		
1. <i>Atricholmethis semenovi</i> (Zub.)	++	++
Tettigoniidae оиласи		
1. <i>Tettigonia viridissima</i> L.	+++	+++
2. <i>T. caudata</i> Charp.	+++	++
3. <i>Decticus verrucivorus</i> L.	+++	++
4. <i>D. albifrons</i> .	+++	+++
5. <i>Semenoviana plotnikovi</i> .	+++	++
Grylloidea оиласи		
1. <i>Melanogryllus desertus</i>	++	++
2. <i>Tartarogryllus tartarus</i> Sauss.	++	++
3. <i>Gryllotalpa grullatalpa</i> L.	++	++

Изҳ: Учраши: + - кам; ++ - ўртача; +++ - кўп; (a) +++ - ёлпасига тарқалган (тўда ҳосил қилмайдиган ва тўда ҳосил қилмайдиган) турлар.

Қишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган (*ph. solitaria*) чигирткалар турларининг таркиби ўрганилганда Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ хўжалик экинлари атрофида тўтриканотлилар туркумининг 39 та тури учраб, шундан 31 та тури чигирткаларга мансублиги аниқланди. Бу турлар орасидан италия ва осие чигирткаларининг тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган шакллари аралашган ҳолда ёппасига учраши кайд этилди (2-жадвалга қаранг).

Сирдарё ва Тошкент вилоятлари худудларида қишлоқ хўжалик экинлари атрофида тўтриканотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг 46 та тури учраб, шундан 36 та тури чигирткалар эканлиги кайд этилди.

Италия ва осие чигирткаларининг тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган шакллари Сирдарё вилоятида ёппасига тарқалган бўлса, Тошкент вилоятида осие ва марокаш чигирткаларининг тўда ҳосил қилмайдиган шаклининг ўртача учраши кайд этилди.

Жиззах, Қашқадарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида қишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган чигирткалар орасидан *C. italicus* L., *L. migratoria* L., *D.maroccanus* Tumb., *C. turanicus* Tarb., *C.barbarus* F.-W., *Oedaleus decorus* (Germ.), *D. tartarus* Stchelk., *A.aegyptium* (L.), *Oedipoda miniata* (Pall.), *Ramburiella foveolata* Serg.Tarb., *S. carinatus* Sauss., *D. gracillius* Uv., *P.conica deserti* B.Bien. турлари қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтираётганлиги аниқланди.



1-расм. Тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг қишлоқ хўжалик экинларига зарари

1. Тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг гўзани ёппасига зарарлаши, 2. Қашқадарё вилоятида 2015-2017 йилларда 1500 га ердаги экин тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар таъсирида йўқотилди.

Қишлоқ хўжалик экинлари атрофидаги учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг кўпайиши ва тарқалишининг асосий сабаблари – зарарли чигирткаларга қарши кураш асосан тўда ҳосил қилувчи турларга қаратилиши, тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши курашга эътибор берилмаслиги, қишлоқ хўжалик экинлари атрофида кейинги 15-20 йиллар давомида кимёвий ишлов олиб борилмаслиги, кейинги йилларда сув танқислиги туфайли ерларнинг фойдаланишдан чиқиши, арик, канал, зовур, коллекторлар атрофлари, бўйлари тозаланмаслиги ёки сув латокларининг

шикастланиши оқибатида сув хавзалари бўйларида сунъий камишзорлар майдони йил сайин ортиб бориши, қиш ойлари об-ҳаво илик келиши, фермерларнинг экинларни етиштиришда агротехникага тўлиқ риоя этмаслиги, ғалла экинлари ўриб олингандан сўнг эса озика илинжида тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткалар кишлоқ хўжалик экинларига кўчиб ўтиши, илмий асосланган кураш технологиясига риоя қилинмаслиги экинлиги илмий исботланди (1-расмга қаранг).

2005-2017 йиллар давомида Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида тарқалган асосий зарарли тўда ҳосил қиладиган мароқаш чигирткаси, осие чигирткаси, италия чигирткаси, тўда ҳосил қилмайдиган қир чигирткаси, чўл чигирткаси, туркман чигирткаси, катта саксовул букур чигирткаси, отбосар чигирткаси, нуктали чигиртка (фавелозата), қора хошияли чигиртка, чипор чигиртка ва миср чигирткасининг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари, кўлайиши, тарқалиши, зарари, морфологик тафовутлари бўйича батафсил маълумотлар тўпланди.

Диссертациянинг «Зарарли чигирткаларга қарши микробиологик инсектицидларни қўллаш имкониятлари» деб номланган тўртинчи бобида табиатда касалланган ва нобуд бўлган чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кўзгатувчи энтомопатоген микроорганизмларни ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари баён этилган.

Баҳор, ёз ва куз мавсумларида йўналишли изланишлар асосида чигирткалар йиғилди ва улардан *Aspergillus* туркумига мансуб 22 та; *Beauveria* туркумига мансуб 5 та; *Cephalosporium* туркумига мансуб 11 та; *Cladosporium* туркумига мансуб 8 та; *Metarhizium* туркумига мансуб 4 та; *Penicillium* туркумига мансуб 15 та замбуруғ намуналари, шунингдек *Bacillus* туркумига мансуб 14 та; *Bacterium* туркумига мансуб 35 та; *Coccaceae* туркумига мансуб 4 та бактерия намуналари ажратиб олинди (2-расмга қаранг).



1



2

2-расм. Зарарли чигирткаларнинг касалликлар таъсирида нобуд бўлиши.

1. Мароқаш чигирткасининг замбуруғ касаллиги таъсирида нобуд бўлиши.

2. Чигирткалардан ажратиб олинган замбуруғлар коллекцияси.

Ажратиб, танлаб олинган, патогенлиги юқори замбуруғ турларидан *Beauveria bassiana* Ф-38 ва *Metarhizium* sp.- К-19¹ намуналарининг лаборатория шароитидаги синов натижаларига кўра спораларининг 5×10^7 титрдаги суспензияларининг мароқаш чигирткаси личинкаларига қарши

reserch markazi
Inv No a-14243

биологик самараси юқори, яъни, зарарланишдан 14-кун ўтганида 75,5-71,4% бўлганлиги қайд этилди (3-жадвалга қараган).

3-жадвал.

Замбуруг намуналарининг марокаш чигирткасининг II-III ёш личинкаларига қарши биологик самарадорлиги

(ЎХКИТИ, лаборатория тажрибаси, қўл туркагичи, май-июн, (120 л/га, 2012-2014 йй.)

Вариантлар	Сарф-меъёри, л/га	Чигирткаларнинг битта уяча (садок)даги ўртача сони, дон						
		ишлов-гача	ишловдан кейинги кунларда:					
			3	5	7	9	14	21
Назорат (сув билан ишлов)	-	25,0	25,0	25,0	25,0	24,1	23,3	21,0
Атилла, 5% эм.к. (андоза) (лямбдацигалотрин)	0,25	25,0	6,0	1,5	1,0	1,0	1,0	1,0
Грин Гард (андоза) (<i>Metarhizium acridum</i>)	0,5	25,0	16,5	12,0	8,0	3,5	3,0	1,5
<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	5x10 ⁷	25,0	21,0	16,0	12,0	6,5	6,0	6,0
<i>S. acremonium</i> Corde-K-43	5x10 ⁷	25,0	24,0	19,5	11,5	9,5	8,0	8,0
<i>Metarhizium</i> sp.- K-19 ¹	5x10 ⁷	25,0	22,0	20,0	10,0	7,5	7,0	7,0
Биологик самарадорлик, %								
Назорат (сув билан ишлов)	-	25,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Атилла, 5% эм.к. (андоза) (лямбдацигалотрин)	0,25	25,0	76,0	94,3	96,0	96,0	95,9	95,9
Грин Гард (андоза) (<i>Metarhizium acridum</i>)	0,5	25,0	34,1	52,0	68,1	85,7	87,7	93,8
<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	5x10 ⁷	25,0	16,0	36,3	52,4	74,5	75,5	75,5
<i>S. acremonium</i> Corde-K-43	5x10 ⁷	25,0	4,0	22,6	54,3	61,5	67,3	67,3
<i>Metarhizium</i> sp.- K-19 ¹	5x10 ⁷	25,0	12,0	20,0	60,0	70,0	71,4	71,4
ЭКФ ₀₅ =			8,3	6,6	6,9	7,1	4,1	3,8

2011-2017 йилларда *Metarhizium acridum* замбуруги асосида дунёнинг етакчи давлатларида яратилган микробиологик Грин Гард, с.э. (1 л 100 г/спора, «BASF», Германия), Килока, с.э. (20x10⁸ мл/спора, «Xin Jiang MOER Chemscaence Co. Ltd.», ХХР), Новакрид, н.к.к. (2,27x10¹⁰-5x10¹⁰ г/спора), «Groupe Elephant vert.», Франция) биопрепаратлари ҳамда ушбу биопрепаратга кимёвий модда қўшилган Фаст Килока, с.э. (20x10⁸ мл/спора + 1% бетациперметрин, «Xin Jiang MOER Chemscaence Co. Ltd.», ХХР) биопестицидининг чигирткаларга қарши биологик самарасини ўрганиш бўйича лаборатория ва дала шароитларида тажрибалар ўтказилди.

Грин Гард, с.э. 0,5 л/га сарф-меъёрида марокаш чигирткасига қарши лаборатория шароитида 14-кунда 87,7%, дала шароитида Жиззах вил., Зомин т., Бешкуби худудида 23-кунда 83,6% биологик самара берди ва зарарли чигирткаларга қарши қўллашга тавсия этилди.

Худди шундай, *Kiloca*, с.э., биопрепаратининг 1,0-1,5 л/га меъёрларида асосий зарарли турлардан марокаш чигирткасига қарши лаборатория шароитида энг юқори - 83,4-88,4% - биологик самара 26-кунда кузатилди. Жиззах вилоятининг Форш тумани, Эски Форш худудида олиб борилган дала тажрибаларида юқори самара 25-кунда 83,0-88,5% бўлиб, бу

биопрепарат 1,5 л/га меъёрида юкори биологик самара кўрсатиши кайд этилди.

Новакрид, н.кук., 0,05 кг/га биопрепаратининг биологик самарасини ўрганиш бўйича лаборатория ва дала шароитларида тажрибалар ўтказилди. Лаборатория тажрибасида махсус ясалган уяча(садок)нинг ҳар бир бирига 30 тадан соғлом марокаш чигирткасининг личинкалари қўйилди.

Ушбу тажрибада кузатувнинг 1-3-кунларидан кейин биопрепарат самараси кузатилмаган бўлсада, 5-кундан кейин 14,3%, 7-кундан кейин 53,0%, 9-кундан кейин 83,0%, 11-кундан кейин эса 100% чигирткалар нобуд бўлди.

Дала тажрибасида Жиззах вилояти, Фориш тумани, Боғидон СИУ ҳудудида, УМО (ўта кам ҳажмда) пуркаш мосламаси ёрдамида махсус ишчи эритма (соляркага аралаштирилиб) 2,0 л/га сарфлаб, бажарилди. Тажрибада 1-3-кунлардан кейин биологик самара кузатилмади. Аммо, тажрибанинг 11-кунидан кейин 88,9%, 15-кундан кейин эса 95,4% биологик самара кайд этилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

Новакрид, н.кук. биопрепаратининг марокаш чигирткасига қарши биологик самарадорлиги

(Дала тажрибаси, Жиззах вилояти, Фориш тумани, Боғидон СИУ ҳудуди, Микронейр АУ-8115 УМО, 2,0 л/га, 2016-2017 йй.).

Вариантлар	Сарф-меъёр, кг, л/га	1м ² майдондаги чигирткаларнинг ўртача сони, дон							
		ишлов-гача	ишловдан 1 кундан кейин						
			1	3	5	7	9	11	15
Новакрид н.кук.	0,05	168,3	168,0	164,7	149,7	83,1	47,1	18,6	7,7
Багира, 20% с.э.к. (андоза)	0,1	171,2	20,2	6,3	4,5	3,7	3,6	-	-
Назорат (ишловсиз)	-	25,3	25,2	25,0	24,7	23,0	23,1	22,7	21,0
Биологик самарадорлик, %									
Новакрид н.кук.	0,05	168,3	0,1	2,1	11,0	50,6	72,0	88,9	95,4
Багира, 20% с.э.к. (андоза)	0,1	171,2	88,2	96,3	97,3	97,8	97,9	0,0	0,0
Назорат (ишловсиз)	-	180,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
ЭЖФ ₀₅ =			83,2	82,6	72,4	42,2	20,0	1,6	1,2

Олинган натижалар асосида Новакрид н.кук. биопрепаратини марокаш чигирткасига қарши 0,05 кг/га меъёрида қўллаш учун “Рўйхатга...” киритиш тавсия этилди.

Биопрепаратларнинг зараркуналларга таъсири 8-10-кунлардан кейин намоян бўла бошлайди. Шу сабабли биопрепаратнинг бошланғич таъсири тезлаштириш мақсадида, кимёвий модда қўшилган тайёр аралашмали *Фаст-Килока* биопестициди 1,0 л/га сарф-меъёрда марокаш чигирткасига қарши синаб қўрилди.

Лаборатория тажрибасида куйидаги натижага эришилди: 2-кундан кейин 91,0%, 4-6-кунлардан кейин 93,7%, 15-кундан кейин 96,4%, 26-кундан кейин энг юкори самара - 98,0%, дала тажрибаларда эса 3-кундан кейин 85,7%, 7-кундан кейин 93,0%, 9-кундан кейин 94,3%, 15-кундан кейин 96,5%, энг юкори самара эса 21-25-кунлардан кейин 97,3-97,4% бўлиб, ушбу биопестициднинг бошлангич ва давомли таъсири юкори эканлиги ўтказилган тажрибаларда аниқланди.

Республикамызда илк мартаба *Beauveria brongniartii* (*Beauveria tenella*) БД-8577 штамми асосида тайёрланган, Ўзбекистоннинг «Agrokim» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган (5×10^9 спора/мл) Альфа Нур, сус.к., микробиологик биопрепаратини марокаш чигирткасига қарши лаборатория шароитида 0,5-1,0-1,5 л/га меъёрларида, 1,0-1,5 л/га сарфида дала шароитида тажрибалар ўтказилди. Лаборатория шароитида энг юкори самара 18-кунда 72,5-83,5-81,8%, дала шароитида эса 23-куни 72,2-83,9% биологик самара кайд этилди.

Диссертациянинг «Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий инсектицидларнинг самарадорлигини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида зарарли чигирткаларга қарши курашда ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки дунё микёсида ҳам уларнинг зарарини тезда бартараф этишда мақбул усул ҳисобланган кимёвий кураш тажрибаларининг натижалари келтирилган.

Давлат кимё комиссияси рўйхатида мавжуд бўлмаган, янги, замонавий инсектицидларни Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган асосий зарарли чигиртка турларига қарши илк бор турли меъёрларда синовдан ўтказиб, биологик самараси аниқланди.

Жумладан, синтетик пиретрондлар гуруҳига мансуб таъсир этувчи моддаси лямбдацигалотрин бўлган 12 та, циперметрин бўлган 1 та, эсфенвалерат бўлган 1 та, перметрин бўлган 1 та, неоникотиноидлар гуруҳига мансуб т.э.м. имидаклоприд бўлган 6 та ҳамда аралашмалари препаратлар – таркибида 2 та т.э.м. – бифентрин + имидаклоприд ва ацетамиприд + бетациперметрин бўлган 2 та инсектицид турли сарф-меъёрларда синаб, натижалар олинди (5-жадвалга қarang).

Тажрибалар Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятларида тоғолди яйлов ҳудудларида кўп тарқалган марокаш чигирткасига қарши ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли, Чимбой туманларининг чўл ҳудудларида эса италия (воҳа) чигирткасига қарши ўтказилган бўлса, Мўйнок туманида, Осиё чигирткасининг личинкаларига қарши синов тажрибалари олиб борилди. Ушбу доминант турларга қарши ўтказилган синов натижаларига кўра юкори самара кўрсатган турли гуруҳга мансуб инсектицидларни зарарли чигирткаларга қарши қўллаш учун «Рўйхатга...» киритишга тавсия этилди.

Зарарли чигирткаларга қарши бутун ривожланиш муддатида бир марта кимёвий ишлов бериб, уларнинг хавфининг олдини олишга имконият яратиш лозим. Ушбу вазифаларга ечим топиш бўйича давомли ва асоратли таъсир этувчи инсектицидлардан т.э.м., бензоилмочевина гуруҳига мансуб

дифлубензурон ва новалурон, Дифуз, 48% сус.к. - 0,03 л/га; Герольд, с.сус.к.(240 г/л) - 0,06 л/га; Герольд УМО, м.сус. (60г/л) - 0,25 л/га; Юнирон, 10% эм.к. - 0,03-0,06 л/га Тифуз, 48% сус.к. - 0,03 л/га; фенилпиразоллар гуруҳига мансуб: т.э.м., филпронил, Далпронил супер, 20% эм.к.-0,04-0,05 л/га

5-жадвал.

Мяроқаш чигирткасининг личинкаларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги

(Дала тажрибаси, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Ғузор, Яққабог, Арнасой туманлари, "Наслчилик", Ҳақиқат, Хоразм СИУ ҳудудлари, ОВХ-600 (200 л/га), 2009-2012 йй.).

Вариантлар	Соф моддаси	Сарф-меъёри, л/га	Самарадорлик, %, n соатдан кейин		
			3	24	72
Далатэ, 5% эм.к.	лямбдацигалотрин	0,15*-0,25**	91,2-91,5	96,2-95,4	90,3-88,5
Атилла супер, 10%	//-//-//	0,075-0,125	93,6-91,4	97,6-97,1	90,6-89,4
Гунсяо супер, 20%	//-//-//	0,0375-0,0625	90,2-90,3	97,1-96,5	86,0-88,0
Караче, 10%	//-//-//	0,075-0,125	90,6-90,7	98,5-97,3	90,7-90,2
Суми-5, 5%	эсфенвалерат	0,2-0,4	91,0-90,2	96,2-96,7	95,3-88,3
Химфокс, 40%	циперметрин	0,1-0,225	90,7-90,1	97,3-97,0	88,8-88,4
Атилла, 5% (андоза)	лямбдацигалотрин	0,15-0,25	91,8-92,9	96,4-96,3	90,8-90,9
Назорат (ишловсиз)		-	0,0-0,0	0,0-0,0	0,0-0,0
ЭКФ ₀₅ =			0,9	0,6	0,7

Италия чигирткасининг личинкаларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги

(Дала тажрибаси, Қорақалпоғистон Р., Кегейли, Чимбой туманларидаги, Аспантай, Шаҳман ҳудудлари, К-45 моторли қўл пуркагич (120 л/га), 2011-2014 йй.).

Вариантлар	Соф моддаси	Сарф-меъёри, л/га	Самарадорлик, %, n соатдан кейин		
			3	24	72
Имитрин, 200 г/л	имидаклоприд	0,05*-0,1**	89,2-87,4	95,1-94,0	96,3-95,6
Имидагольд, 35% сус.к.	//-//-//	0,04-0,08	86,1-92,5	97,3-95,1	98,7-97,2
Неоклоприд, 35% сус.к.	//-//-//	0,04-0,08	86,7-94,1	97,2-95,8	98,5-97,5
Багира, 20% с.э.к.(андоза)	//-//-//	0,05-0,1	94,9-93,6	99,1-96,1	99,2-97,1
Назорат (ишловсиз)		-	0,0-0,0	0,0-0,0	0,0-0,0
ЭКФ ₀₅ =			0,9	0,6	0,5

Осиё чигирткасининг личинкаларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги


(Дала тажрибаси, Қорақалпоғистон Рес., Муёноқ тумани, Қорамин-1 ҳудуди, К-45 моторли қўл пуркагичи (120 л/га), 2014-2017 йй.).

Вариантлар	Соф моддаси	сарф-меъёри, кг, л/га	Самарадорлик, % n соатдан кейин		
			3	24	72
Химидор, 60% сус.к.	имидаклоприд	0,035*-0,035**	90,2-89,6	98,6-96,5	99,4-98,1
Индиго, 35% сус.к.	//-//-//	0,04-0,06	85,3-92,7	97,5-96,1	98,9-97,8
Потегон, 20% н.кук.	ацетамиприд	0,045-0,045	94,8-93,5	98,8-97,5	99,7-98,7
Багира, 20% с.э.к.(андоза)	имидаклоприд	0,05-0,1	88,9-92,7	98,1-96,0	99,2-97,5
Назорат (ишловсиз)			0,0-0,0	0,0-0,0	0,0-0,0
ЭКФ ₀₅ =			1,2	0,8	0,9


* - кичик, ** - катта ёш личинкаларга қарши

Трипгуард, 2,5% сус.к.-0,2-0,25 л/га; Анис, 20% сус.к.-0,03-0,04 л/га; неоникотиноидлар гурухига мансуб: т.э.м. тиаклоприд бўлган Калито, 48% сус.к.-0,03-0,05 л/га инсектицидлари синаб кўрилди.

Бензоилмочевина гурухига мансуб инсектицидларнинг зарарли чигирткаларга қарши фаоллиги 7-8-кундан кейин яққол намоён бўлиб, 30-кундан ортиқ вақт давомида юқори биологик самара қайд этилди. Фенилпиразоллар гурухига мансуб инсектицидлар эса 1-кундан кейин 90,0%, 21-кундан кейин 95,0% юқори ва давомли юқори биологик самарани қайд этди ҳамда қўллаш учун тавсия этилди (3-4-расмларга қаранг).



3-расм. Италия чигирткасининг личинкаларига қарши Юнирон, 10% эм.к., препаратининг биологик самарадорлиги (Дала тажрибаси, Қорақалпоғистон Р., Кезғили тумани, Аспантай ҳудуди, К-45 моторли қўл пуркагичи, 120 л/га).



4-расм. Марокаш чигирткасининг турли ёшдаги личинкаларига қарши Далпронил супер, 20% сус.к., қимёвий препаратининг биологик самарадорлиги (Дала тажрибаси, Жиззах в., Фориш т., Чимкўрган ҳ-и, ОВХ-600 пуркагичи 200 л/га).

Неоникотиноидлар гурухига мансуб Калито, 48% сус.к. инсектициди 0,03-0,05 л/га меъёрларда осий чигирткасининг личинкаларига қарши синналганда давомли ва асоратли таъсири қониқарсиз бўлди.

Туда ҳосил қилиб яшовчи чигирткалар аксарият ҳолларда тоғолди, яйлов ва чўл худудларида ёппасига тарқалиб, уларга қарши курашда тавсия этилган кимёвий инсектицидлар билан ишлов қўтилган самарани беради. Аммо кишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши кураш бундан мустасно.

Бунга айрим омиллар сабаб бўлади. Мисол учун, бу ерда ривожланаётган тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар мажмуаси бир нечта турлар популяциясидан иборат. Бу эса уларнинг биоэкологияси турлича, яъни уларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳам турлича кечишини билдиради.

Демак, вазиятдан келиб чиқиб, кимёвий усул тактикасига тўғри ёндашиш зарур. Турли биологик ривожланиш мавжудлигини ҳисобга олиб, узок, давомли таъсирга эга бўлган дифлубензурон таркибли препаратни қўллашни мақсад қилдик. Аммо дифлубензурон гормонал таъсир этиш механизмига эга бўлиши сабабли самара 7-8-кунда намоён бўлади. Бунда бошланғич самарани ошириш учун дифузга атилла пиретроид инсектицидини бақ аралашмаси ҳолида кўшиб тадқиқот ўтказдик (6-жадвалга қarang).

6-жадвал.

Тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши Атилла, 5% эм.к.+Дифуз, 48% сус.к., препаратлар аралашмасининг биологик самарадорлиги

(Дала тажрибаси, Жиззах в., Жиззах тумани, Самарқандқудуқ ҳудуди, К-45 моторли қўл турғаччи, 120л/га, сарфида, 2016-2017 йй.)

Вариантлар	Соф моддаси	Сарф-метъери, л/га	Ҳар 1м ² майдондаги чигирткаларнинг ўртача сони, дон					
			Ишлов гача	Кимёвий ишловдан, n кундан кейинги сони				
				1	5	8	15	21
Атилла, 5% эм.к., + Дифуз, 48% сус.к	лямбдацигалотрин + дифлубензурон	0,250+ 0,03	29,7	4,9	1,7	0,8	0,1	0,0
Атилла, 5% эм.к., + Дифуз, 48% сус.к.	///-///	0,150+ 0,015	27,6	6,0	2,9	1,8	0,4	0,1
Атилла, 5% эм.к. (андоза)	лямбдацигалотрин	0,250	31,1	6,9	5,4	5,1	4,9	0,0
Дифуз, 48% сус.к.(андоза)	дифлубензурон	0,03	30,3	30,1	17,2	8,1	0,4	0,0
